

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
17 ноябрь
ШАНБА

№ 92 (13145)

www.thtp.uz

МУСИҚА МАКТАБЛАРИДАН ЖАҲОН САҲНАЛАРИГА

Республика ва халқаро миқёсдаги нуфузли танловларга отланган Янгийул шаҳридаги 22-Болалар musiқа ва санъат мактаби ўқувчилари ҳар доим юқори ўринларни эгаллаб, совринлар билан қайтадилар. Бу яхши анъанага айланган.

Этибор

Муסיқа мактабига ҳар куни 460 нафар ўғил-қиз 13 йўналиш бўйича машғулотларга қатнайдилар. Эстрада ва вокал, фортепьяно, скрипка ва миллий чолғу асбоблари, расм, хореография йўналишларидаги машғулотларни тажрибали, ўз ишининг устаси бўлган ўқитувчи ва мураббийлар олиб боришади. Фидойи устозларнинг тинимсиз меҳнатлари самараси ўларок, ўқувчиларнинг қобилиятлари жаҳон саҳналарида намоён бўлмоқда. Жорий йилда Россия Федерацияси ва Сербия давлатларида ўтган халқаро тан-



ловларда ғолиб бўлган Мадина Самидова (фортепьяно), Севинч Абдуллажоновна (миллий

рақслар ижроچиси), Кристина Петросян ва Бекзод Ботиралиев (вокал йўналишида) мактаб-

нинг истеъдодли ўқувчиларидан. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

– Муסיқа ва санъат билан шуғулланган боладан ёмонлик чиқмайди, – дейди директор Зухра Ҳасанбоева. – Кейинги пайтларда бунӣ яхши тушунган кўплаб ота-оналар, буваю-бувижонлар болалари, набираларини етаклаб, мактабимизга олиб келишаётгани қувонарли, албатта. Фахр билан айта оламки, вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 32 та Болалар муסיқа ва санъат мактаблари синфхоналари ўқувчилар билан тўла. Ҳамкасбларимиз билан тез-тез учрашиб, тажрибаларимиз билан ўртоқлашамиз. Шунингдек, халқаро ва республика танловларига қайси мактаб ўқувчилари кўпроқ қатнашиши борасида дўстона мусобақалашиб ҳам турамыз. Зеро, танловларда кимнинг ўқувчиси ғолиб бўлишидан қатъи назар, у вилоятимиз фахри-ку, ахир!

– Келажакда консерваторияга ўқишга кириб, опера кўшиқчиси бўлмоқчиман, – дейди вокал гуруҳи ўқувчиси Кристина Петросян. – Барча устозларимдан, айниқса, Мархабо опа Бурхоновадан миннатдорман. Улар ўз кучимга ишонишни, овозимни "тарбиялаб", энг қийин ариаларда ўзимни синаб кўришни ўргатдилар.

К. САЛОМОВА
Рашид ГАЛИЕВ
олган сурат

Комусимиз – бахтимиз

ИНСОН АЗИЗ

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 40-модда)



Саломатлик – энг бебаҳо неъмат. Мана шу неъматни асраб-авайлаш биз, шифокорларнинг зиммасида эканлигидан чексиз фахрланамиз. Наҳот истаб келган бемор дардига даво топиб, уни ҳаётга, яшашга бўлган меҳр-муҳаббатини кучайтиришдан ҳам савобли иш бўлмаса керак.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, ислоҳ қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунинг асосида одамларни ҳаётдан рози қилишдек буюк мақсад мужассам.

Мустақилликдан аввалги даврни бир эслайлик: соҳада аҳвол аянчли, қоронғи, зах хоналарда ишлайдиган тиббиёт ходимларининг имкониятлари ҳам чекланган, тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар етишмасди. Давлатимиз томонидан чиқарилган қатор фармонлар қарорлардаги вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши Конституциямизда белгиланган ҳуқуқларимиз таъминла-нишига замин яратди.

Бугунги кунда замон талабларига тўла жавоб берадиган тиббиёт соҳасининг мукаммал тармоқлари яратилди. Замонавий шифохоналар, инновацион технологияларга асосланган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган поликлиникалар аҳоли хизматида. Жойларда эски, самарасиз тизим ўрнида бирламчи бўғиннинг янги, замонавий тармоғи вужудга келди.

Бунӣ биргина Тошкент тумани миқолида олсак, 3 та шифохона, 1 та кўп тармоқли шифохона, 5 та ҚОП ва 5 та ҚБП 205 мингдан зиёд аҳоли ихтиёрида. Беморларга 268 нафар шифокор ва 780 нафар ўрта тиббиёт ходими малакали хизмат кўрсатишмоқда.

Дунёнинг қамдан кам мамлакатиде аҳолининг репродуктив саволатлигини муҳофаза қилиш, ҳомиладор аёлларни беопул полиивитаминлар билан таъминлаш, соғлом ва барқамол авлодни дунёга келтиришдаги муҳим чора-тадбирларни қўллаш масаласига бизнинг юртимиздаги қабӣ эътибор қаратилади.

Бизга ана шундай қонуний қафолатларни яратиб берган Бош Комусимиз ҳаёт йўлларимизни ёритувчи йўлчи юлдузимиздир.

Олимжон ИСОҚОВ,
Тошкент тумани тиббиёт
бирлашмаси раҳбари

18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси
Давлат байроғи қабул қилинган кун

ФАХРУ ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

Темурийлар тарихи давлат музейида ушбу қутлуг сана муносабати билан халқаро Амир Темури хайрия жамоат фонди ва унинг вилоят муассасаси, "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида "Ўзбекистон байроғи – гуруримиз, фахримиз" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Унда тарихшунос олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда вилоят шаҳар, туманлари мактаб ўқувчилари, шунингдек, юридик университетнинг ўқитувчи ва талабалари иштирок этишди.

Тадбирда тарих фанлари доктори, профессор А. Мадраимов "Темурийлар даври, хусусан, "Бобурнома" китобидаги расмларда акс этган байроқлар", шунингдек, "Ўзбекистон байроғи – гуруримиз, фахримиз", "Амир Темури ва Темурийлар даври байроқлари", "Буюклик ва мардлик тисоли" каби мавзуларда маърузалар тингладилар.

Таъкидланганидек, Амир Темури даврида ҳам барқарор тинчлик, адолат рамзи бўлган салтанат туғи

ҳилпираб турган. Зеро, халқни бир байроқ, бир гоя остида бирлаштириш деганда, Ватан равнақи, эл-улус фароғати йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлар назарда тутилган. Шунинг учун ҳам ҳар бир юрт байроғи муқаддас ҳисобланиб, унга гард юқтирмаслик учун ёғийлардан асраб-авайланган.

Бу борада аждодимиз Наҳмиддин Кубронинг жасоратини тўлқинланиб эслаймиз. Ёвуз босқинчилардан халқини ҳимоя қилар экан, уни маҳв этганларида ҳам юрти байроғини қўйиб юборманган. Ҳарчанд уриниб, байроқни тортиб ололмаган душманлар уни қўллари билан қолиб олишган экан...

Давоми 2-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва маҳфиясига эга.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 5-модда)

Ўзбекистон тарихи давлат музейида ҳам "Байроғимиз – халқимиз гурури" мавзусида тадбир ўтказилди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партиянинг масъул ходимлари, туман, шаҳар кенгаши аъзолари ва фаоллари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда давлат рамзларини ҳурмат қилиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканлиги ҳамда ёшларга байроғимизнинг аҳамиятини теран англашти кераклиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, байроқ давлат мустақил-

лигини ифодаловчи рамз ҳисобланади. Шу маънода, Ўзбекистон байроғининг бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлиқни таъминлаш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг нуфузини янада оширишдаги аҳамияти беқиёс эканлиги хусусида сўз борди.

Тадбир давомида қизиқарли акция ҳам ташкил этилди. Унда юртимиз ва жаҳон мамлакатларининг байроқлари ҳақида савол-жавоблар викторинаси бўлди. Зукколигини намоиш қилган ёшлар партиянинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Маҳмуд ОТАБЕКОВА,
Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши
сектор мудири

МУТОЛАА ЗАВҚИНИ ТУШУНГАН ЁШЛАР

Бугунги кунда юртимизда ёш авлодни китоб ўқишга, бадиий адабиётга бўлган қизиқишини ошириш борасидаги қўламли ишлар ўз самарасини бермоқда. Китоб ярмаркалари, китобхонлик кечалари, ёзувчи ва шоирлар билан ўтказилаётган иходий учрашувлар, айниқса, "Ёш китобхон" Республика кўрик-танловининг ташкил этилганлиги ҳамда ғолибга "Спарк" автомашиналари берилиши кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди.

Танлов

Яқинда "Ёшлар иход саройи"да мазкур танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва бошқа ҳамкор ташкилотлар қўмағида ташкил этилган тадбирда кўрик-танловнинг туман, шаҳар босқичларида ғолиб бўлган китобхонлар иштирок этишди.

Танлов буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, тарғиб этиш ва китобхонлик маданиятини кенг оммалаштириш, энг муҳими, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиришни кўзлагани билан аҳамиятлидир. Бу йилги кўрик-танловга қизиқиш янада катта бўлди. Бунӣ танловда иштирок этиш учун жами 83 минг 500 дан ортиқ ёшлар мурожаат қилганида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур тадбирда қатнаш-

чилар "Буюк мутафаккир ва адиб" ҳамда "Бадиий асарлар билимдони" шартлари бўйича билимларини синовдан ўтказишди. Иштирокчиларнинг чиқиши малакали мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Якуний натижаларга кўра, 10-14 ёшлилар тоифасида

чирчиқлик Отабек Эшпўлатов, 15-19 ёшлилар ўртасида ҳам чирчиқлик иштироки Мохичеҳра Суюнбоева, 20-30 ёшлилар бўйича эса Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси Дилнавоз Наҳимовалар биринчи ўринни қўлга кириштириб, танловнинг республика босқичига йўлланма олишди.

Тадбир якунида ғолиблар ва фаол иштирокчилар Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ж. НАҲИМОВ,
Ўзбекистон Ёшлар
иттифоқи вилоят кенгаши
бўлим мудири



ИШОНЧ ҚОЗОНИШ – БАХТ, бирок уни оқлаш масъулияти ҳам бор

Пискент туманидаги Болалар муסיқа ва санъат мактабига Зулфия номидаги Давлат мукофоти таанловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Зулфияхоним издошлари

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Озода Парпиева Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларни қўллаб-

қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг моҳияти ҳақида сўзлар экан, унда Зулфия мукофотига номзодлар танловни босқичида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган ўзгартиришлар кўзда тутилгани, хусусан, танлов иштирокчиларининг ёши 22 дан 30 ёшгача узайтирилганини таъкидлади. Бу эса, ўз навбатида, алоҳида иқтидорга эга қизларнинг жамият ҳаётида фаол иш-

тирок этиши, ўзига бўлган ишончининг янада ортишига, ҳаётини қизиқишлари, мақсадлари йўлида дадил қадам ташлашларига рағбат беради.

Танловда шаҳар ва туман босқичларида сараланиб, вилоят миқёсида ўз иқтидори, истеъдодини намоиш этишга келган 163 нафар иштирокчининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаоллиги, ташаббускорлиги, таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида эришган ютуқлари ҳисобга олинган ҳолда яна бир бор синовдан ўтказилди. Эътиборлиси, бу йилги тан-

лов иштирокчилари янги – "Жамоатчилик йўналиши" бўйича ҳам ўзаро беллашишди. Бир қарашда ҳар бир иштирокчининг билим доираси, қобилияти мактовга дойик. Аммо, танлов йўриқномаси талабларига мукаммал жавоб бера оладиган нобб истеъдод, ўткир салоҳият эгаларини саралаш осон кечмади.

Давоми 2-бетда ➡

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЯНГИЙЎЛ

Сахифамизнинг навбатдаги сонини Янгийўлдан тайёрлаш мақсадида туман хотин-қизлар кўмитаси раисига учрашмоқчи бўлдик.

Саранжом-саришта ҳовлидан ҳокимлик биносига кириб борар эканмиз, даҳлизда турган одамларга кўзимиз тушди. Кимдир хотин-қизлар кўмитаси, кимдир "Оила" марказига ва яна бошқа масалалар бўйича... Эътиборимизни чамаси 3 ёшлардаги ўғилчинини етаклаб олган ёшгина жувон тортди. Болакайнинг пешонаси дока билан тангиб боғланган эди. Саломлашиб улгурмасимиздан ўзи гап бошлаб қолди:

— Нилуфар опанинг олдиларига келувдим. 2 та ўғлим бор. Бу кичи. Йиқилиб тушиб, пешонаси ёрилибди. Эрим қарашмайди, бошқаси билан кетиб қолган. Жуда қийна-либ қолдик. Ишлай десам, болаларга қарайдиган одам йўқ. Каттаси биринчи синфга борди. Кеча "ручка олиб беринг", деб хархаша қилувди, алаимдан йиғлаб юбордим. Нима қилишни бил-

май, опадан ёрдам сўраб келдим. Ўзим Қорақалпоғистондан келганман, шу ўғилчамни даволатишга...

— Бу ерда ҳеч кимингиз йўқми? — сўраймиз ундан. — Онам борлар, лекин хасталар. Болаларга қаролмайдилар. Отасининг аҳоли эса бу. Танишларим: "Нилуфар опага боринг, ёрдам беради", дейишди, шунга келувдим...

Биз унинг қабулга кириб чиқишини кутиб турдик. Анчадан кейин жувоннинг кайфияти кўтарилиб чиқди. Демак, унга ёрдам беришган! Бизнинг ҳам кўнглимиз ёришди: бекорга келмабмиз!

Одамларнинг дардини тинглай оладиган, ёрдамини аямайдиган фидойи раҳбарлар кўп орамизда. Улардан бири 2017 йилнинг "Энг яхши маънавий тарғиботчиси", Янгийўл тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Нилуфар НОРМИРЗАЕВА. Келинг, яхши-си қолган гапларни унинг ўзидан эшитайлик:

Ногаҳон маҳалланинг обрўли хонадонларидан бирида қаттиқ-қаттиқ овоз эшитилди:

— Мен қизимни туну кун бозорда ишлаб ўқитганман. Сенларга чўриликка бермаганман...

Аёлдан анча катта бўлган қайнотага бу гап оғир ботди.

— Сенлама! Қизинг керак бўлса, ана олиб кет!

— Олиб кетаман ҳам...

Солиа (исмлар ўзгартирилган) ота-онасиникида гўё қафасда яшайтгандек, кўп ўтмай келинлик уйини қўмсай бошлади. Айниқса,

Оила тилсими

носоғлом тарбия, одоб-ахлоқнинг сустлиги.

Бу каби муносабатлар билан марказимизга тез-тез келиб туришади. Давлатимиз раҳбарининг "Оила" институти фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги қарори асосида ташкил этилган марказлар жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, туманимиздаги 57 минг 478 оиланинг 33 минг 23 таси намунали оилалардан ҳисобланади. Бизнинг вазифамиз — қолган 20 мингдан ортиқ оилаларда ҳам



Оила ва жамият устунли, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган хотин-қизларни эъозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимиз учун азал-азалдан буюк қадрият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Аёл Олами

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» газетасининг қўшма лойиҳаси

ЗИЁЕВА — ЗИЁЛИЛАР МАСЛАҚДОШИ

Санобар опани халқ таълими соҳасида фаолият олиб бораётганига 30 йилдан ошди. "Ўз касбининг ҳақиқий фидойиси", деган таъриф айнан Санобар Зиёевага аталган десак, муболаға бўлмас.

Ахир, бошланғич синф ўқитувчисининг "Халқ маорифи аълоҳиси" даражасига етиши, туман халқ таълими бўлимида услубчи, мудири ва қарийб, 10 йил давомида Таълим, фан ва маданият ходимлари касбаба уюшмаси туман кенгаши раиси лавозимида ишлаши учун ҳам ҳақиқий фидойилик керак-да. Бир шогирди: "Устозим жонқуяр, меҳрибон, ширинсухан, одамлардан яхшилигини аямай-

диган инсон", деди. Санобар Зиёева эса ўзи ҳақида шундай дейди:

"Таълим тизими жараёни ҳаётим мазмунига айланган. Бу соҳани танлаган ҳар қандай инсон, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўзи учун эмас, халқ учун, ўқувчилари учун, қисқаси, касби учун яшаши керак."

Хосият МИРЗАБЕКОВА,
Халқ таълими аълоҳиси



Гул ўстириб берайми?

Бу хонадонга беҳосдан кириб борганимизда Мубораххоннинг юзи гулдек қизиб, ерга қаради:

— Вой, хабар бериб қўймабсизда, Нилуфархон. У ёқ, бу ёғимга қараб олардим... Қизларим ҳам далада, гулларни тувакларга кўчиришайтган эди...



Ховлининг бошию, охири, дарвозанинг олдида ҳам тизиб ташланган гулларга тикилиб қолдик. Шундай гўзал гул-

ларни етиштириб қўйиб, "Ховлим бир оз бетартиб-да", дея қайта-қайта исти-хола қилади. Ана, сизга аёл табияти!

— Юринглар, иссиқхоналардаги гуллар билан сизларни таништирай: буниси капалакгул — қуёшни ёқтиради, бироқ салга сўлиб қолаверади. Мана бу Вашингтон пальмиси. Агар вақтида сувга қўшиб ўғитини, бир чимдим меҳрингизни берсангиз, бирам яшнаб кетади-ей... Фикс — қора шахзодага қаранг ёки хитой атиргулини кўринг... Биздан чиройли гул бормикан, деб туришибди. Посленкаларимизни эса совуқ тушган сари мева гули ялтиради. Ўзини далаб исангиз, қони фойда... Хризантема ҳам чиройли, ҳам совуққа чидамли, қор ёғсаям очилиб тураверади.

Туманимиз кўчалари, давлат ва жамоат ташкилотлари ховлилари, йўл ёқаларини безаб турган гулларга эътибор бердингизми? Улар кеч қувача очилиб туради. Декабрь ойида баъзи гулларни тувакка ёки иссиқхонага кўчириб

улгуришимиз керак, акс ҳолда совуқ уриб кетади...

Сахифани «Тошкент ҳақиқати» мухбири Сайёра РИХСИЕВА тайёрлади
Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар

Ҳар бир она ўз фарзандининг ҳар томонлама етук, баркамол бўлиб вояга етишини орзу қилади. Аммо, баъзи ҳолларда: "Болам жуда тортинчак, ёлғизликни ёқтирадиган бўлиб қолган", ёки бўлма-са: "Боламга қарайдиган одам йўқ, ишламасам бўл-маса", дея нолийдиган оналар учраб туради.

Мустаҳкам
пойдевор учун

Президентимизнинг "Мақтабча таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва

Х. Олимжон кўчасида қад кўтарган "Болажон" номли 11-мақтабча таълим муассасаси шулар жумласидан. Унга тадбиркор, тажрибали педагог Раҳиммахон Наипова раҳбарлик қилади.

Мақтабча таълим

"Ўзбекистон Республикаси Мақтабча таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида олиб борилаётган ишлар шундай мулоҳазаларга барҳам бермоқда, дейиш мумкин.

Янгийўл туманида қурилатган мактабу боғчалар ҳам ўзининг замонавий қиёфаси, янги технологиялари билан аҳолига манзур бўлмоқда. Айниқса, олий маълумотли мутахассислар бошқараётган мактабча таълим ва нодавлат таълим муассасаларидаги шароит, муҳит мақтовга лойиқ. "Обод қишлоқ" дастури доирасида "Халқобод" маҳалласи,

Боғча юз ўринга мўлжалланган бўлиб, "Юлдузча", "Қуёнча", "Қалдирғоч", "Булбулча" номли гуруҳларга қатнайидиган болажонлар зийраклиги, билимдонлиги, қизиқувчанлиги билан ажралиб туради. Юзлари қулиб, қўзлари чақнаб турган болажонларнинг рус, инглиз тилларини ҳам мароқ билан ўрганиш-шағтанини кўриб, завқланиб кетасиз. "Ассалому алайкум", "Здравствуйте", "Good morning" дея саломлашишлари, бир-бирига навбат бермай ўрганганларини айтиб беришга ошиқатганларини кўриб, қувонмай илож йўқ. Болажонларга замонавий ускуналар, инновацион гуялар ёрдамида таълим берилмоқда. Муассаса ҳудудидаги эски бино таъмирлангач, яна 100 нафар болани қабул қилиш имкони туғилади. Тиниб-тинчимас мудиранинг "Хонқўрғон" маҳалласида ташкил этилган 50 ўринли нодавлат таълим муассасасига эса яхши ниятлар билан "Полвонжон-болажон" деб ном берилган. Шу йил Болаларни ҳимоя қилиш кунига ўз фаолиятини бошлаган боғчага ҳозирги кунда 48 нафар тарбияланувчи қатнамоқда. Бу ерда болажонлар учун яратилган шарт-шароитлардан ота-онаю, бувижонлар ҳам хурсанд.

Лола БЕКМУРАТОВА,
туман мактабча таълим бўлими шўба мудир

«БИЗНИ ЯРАШТИРИБ ҚЎЙИНГ...»



унга бир оғиз ҳам қаттиқ гапирмаган Самад акасини ўйлаб, баттар эзилди. Аммо, қайнота уни кечиролмади, ўз сўзидан туриб олди: "Онаси шунақа бўлса, қизидан нима кутиш мумкин?!"

Чорасиз қолган келин "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Янгийўл тумани бўлимига муносабат этди.

— Илтимос, бизни яраштириб қўйинг, — деди зорланиб. — Қайнотам уйга киритмаяптилар. Тўғри, онам уларни ноҳақ айбладилар. Ҳамма айб ўзимда...

Тушунтириш ишларидан сўнг қайнота, қайнона ҳам муроасага келишди. Энг муҳими, келин ўз хатосини тушуниб етди. Лекин, ҳамма ҳам ўз хатосини тан олавермади. "Сен эмас, мен", деб тураверишади. Сизга айтсам, ахримларнинг асосий сабаби — эркакларнинг масъулиятсизлиги, қолаверса, қайнона-келин муносабатлари, қизларнинг яхши тарбия қўрмагани. Яъни, маънавий, маданий, масъулиятнинг етишмаслиги,

соғлом маънавий муҳит яратилишига қўмаклашиш. Янги қурилатган оилаларнинг мустаҳкам бўлишига замин яратиш. Бу борада Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари билан ҳамкорлигимиз яхши натижа бермоқда. Марказимизда психолог, педагог, кўпни кўрган онахонлардан иборат ишчи гуруҳимиз суҳбатидан ўтиш никоҳланувчи ёшлар учун мажбурий қоида қилиб белгилаб қўйилди. Бу суҳбатдан кейингина ФХДЁ рўйхатидан ўтишга рухсат берилади. Май ойидан буён 780 нафар ёшга оила, эр-хотинлик, келин-куёвлик мажбуриятлари, масъулияти ҳақида маслаҳат берилди. Бу ёш оилалар учун яхши ҳамма ҳам ўз хатосини тан олавермади. "Сен эмас, мен", деб тураверишади. Сизга айтсам, ахримларнинг асосий сабаби — эркакларнинг масъулиятсизлиги, қолаверса, қайнона-келин муносабатлари, қизларнинг яхши тарбия қўрмагани. Яъни, маънавий, маданий, масъулиятнинг етишмаслиги,

Рано БОБОЕВА,
"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази туман бўлими раҳбари

Яхшилик излаб
яшайман

— Асли Зангиота туманиданман. Лекин, Янгийўл юрагимнинг бир парчаси. Шу ерда туп қўйиб, палак ёздим. Тумандаги 30-мактабда 30 йилдан кўпроқ рус тили ва адабиётдан дарс бердим. Ўқувчиларимнинг ота-оналарию, маҳалладошларим билан мулоқотларда турфа табиатли одамлардан кўп нарсаларни ўргандим, уларни яхши кўриб қолдим. Айниқса, Ниёзбоши қишлоғининг меҳнатсевар, ғайрат-шижоатли кишиларига меҳрим тушди. "Умр сабоқлари" китобимга 90 ёшли Бекмурза Холмирзаев ва бошқа ниёзбошиликлар ҳақидаги ҳикояларим киритилди. "Энг яхши совға", "Қалдирғочлар", "Сабоқ", "Зарғалдоқ", "Сахий бобо", "Тоza ҳаво" номли болаларга аталган китобларимнинг қаҳрамонлари шўх, тўполончи, шунингдек, беғубор, қизиқувчан болажонлар. Мен одамлардан умрим давомида яхшилик излаб яшайман ва уларни мана шу ердан то-

паянман.

Айниқса, опа-сингилларим, фидойи хотин-қизларга ихлосим баян. Маҳаллалардаги хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассисларнинг фаолиятини "Yangiyo'l" газетасида ёритиб бораман. "Обод" ва "Самарқанд" маҳаллалари мутахассислари Комила Мақсудова, Гулхайри Шербоева, "Ифтихор" маҳалласи фаоли, ҳаваскор шоира Собира Норматоваларнинг ғайрат ва меҳнатсеварлигига ҳавасман келади. Улар ҳақида арзирли бир китоб ёзсайдим, деган орзуим бор...

Мухайё ТўЛАГАНОВА,
Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат

ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
11 031 нусхада
чоп этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)
71 233-70-10
71 233-55-38
71 233-38-23, 71 233-48-08
71 233-65-59
71 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011
йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририят қўшма
марказида терийди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Қўмуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусахҳа
Аллома АЗИЗОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ